



НАҚД ПУЛСИЗ ҲИСОБ-КИТОБЛАР ВА УНИНГ АФЗАЛЛИКЛАРИ

PhD Рuzимурадoв Шухрат

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки

ORCID: 0009-0006-5991-2225

ruzimuradov@cbu.uz

Аннотация. Иқтисодиётда пул маблағларининг асосий қисми нақд пулсиз ҳисоб-китоблар орқали айланади. Нақд пулсиз ҳисоб-китоблардан фойдаланишни рағбатлантириш, жами ҳисоб-китобларда бундай ҳисоб-китобларнинг улушини ошириш иқтисодиётни тараққий этишини ва узулуксиз ўсишини таъминлашда муҳим омиллардан бири ҳисобланади. Шу билан биргаликда нақд пулсиз ҳисоб-китоблар қулай бўлиши билан бирга бир қанча афзалликларга ҳам эга.

Калит сўзлар: нақд пулсиз ҳисоб-китоблар, нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг жорий ҳолати, нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг рағбатлантириш, нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг афзалликлари.

БЕЗНАЛИЧНЫЕ РАСЧЁТЫ И ИХ ПРЕИМУЩЕСТВА

PhD Рuzимурадoв Шухрат

Центральный банк Республики Узбекистан

Аннотация. В экономике основная часть денежных средств обращается через безналичные расчёты. Стимулирование использования безналичных расчётов и увеличение их доли в общем объёме расчётов являются одним из важных факторов обеспечения развития и устойчивого роста экономики. При этом безналичные расчёты не только удобны, но и обладают рядом преимуществ.

Ключевые слова: безналичные расчёты, текущее состояние безналичных расчётов, стимулирование безналичных расчётов, преимущества безналичных расчётов.

CASHLESS PAYMENTS AND THEIR ADVANTAGES

PhD Ruzimuradov Shukhrat

Central Bank of the Republic of Uzbekistan

Abstract. In the economy, the majority of monetary funds circulate through cashless payments. Promoting the use of cashless payments and increasing their share in the total volume of payment transactions are among the key factors in ensuring sustainable economic growth and development. In addition to convenience, cashless payments offer a range of significant advantages.

Keywords: non-cash payments, the current status of non-cash circulation funds, promotion of cashless payment usage, advantages of cashless payments.

Кириш.

Бозор иқтисодиёти шароитида, тараққиётнинг қайси босқичида бўлишларидан қатъий назар, дунёдаги барча давлатлар олдида турган асосий вазифаларидан бири - иқтисодиётни тартибга солиш яъни, мавжуд бўлган ва бозор механизми тартибга солишга қодир бўлмаган макроиқтисодий муаммоларнинг ижобий ечимларини топишдан иборатдир.

Барчамизга маълумки, аксарият ривожланган давлатларда нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг улуши юқори. Шу сабабли ҳам нақд пулсиз ҳисоб-китоблар орқали айланаётган маблағларнинг жорий ҳолатини таҳлил қилиш муҳим аҳамиятга эга. Иқтисодиётда нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг улуши қанчалик юқори бўлса, хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шаффофлиги ҳам ортиб боради.

“Verifone” компанияси томонидан ўзининг “Paybook magazine” электрон журнаliga жойлаштирилган инфографика маълумотларида нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг улуши Швеция давлатида – 98%ни, Норвегияда – 95%ни, Данияда – 94%ни, АҚШда – 80%, Германияда – 76%ни ва Ҳиндистонда – 32%ни ташкил этаётганлиги қайд этилган.

Умуман олганда, ҳар қандай мамлакатда ҳам иқтисодий ўсишнинг барқарорлигини, шунингдек, ҳисоб-китобларни тез, қулай, ишончли ва шаффоф тарзда амалга оширилишини таъминлашда нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг ўрни ва аҳамияти беқиёсдир.

Адабиётлар шарҳи.

Нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг афзалликлари бир қатор иқтисодчилар, олимлар томонидан ўрганилган. Улар томонидан билдирилган фикр ва мулоҳазаларнинг айримлари қуйида келтирилмоқда.

Россия Федерацияси Марказий банки раисининг биринчи ўринбосари лавозимида кўп йиллар фаолият юритган Геннадий Меликяннинг таъкидлашича:

“Шубҳасиз, келажак нақд пулсиз ҳисоб-китобларники, бу ҳақида баҳслашишнинг ҳам ҳождати йўқ... Бу ерда масала фақат шундаки, шундай тўлов тизимини яратишимиз керакки, у ишончли, қулай ва аҳоли учун тушунарли бўлиши ҳамда нақд пулдаги тўловларга нисбатан ҳар томонлама устунликларга эга бўлиши лозим” (Меликян, 2017).

Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар бўйича билдирилган ушбу мазмунли фикрлар билан баҳслашиш ёки уни янада ёрқинроқ ифодлашга умуман эҳтиёж йўқ, деб ҳисоблаймиз.

Россиялик иқтисодчи олимларни таъкидлашича: *“... кўплаб ривожланган, шунингдек, ривожланаётган давлатлар миллий иқтисодиётларида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар улуши ўсишини қонунчилик асосида рағбатлантиришмоқда, шу жумладан, нақд пуллар ёрдамида ҳисоб-китобларни амалга ошириш суммаларига чеклов жорий этиш орқали”* (Анисимова ва Швандар, 2015).

Ҳақиқатан ҳам нақд пулсиз ҳисоб-китобларни яққол устуворлигини таъминлаш, унинг афзал томонларини ҳар бир хўжалик субъектига ёки ҳар бир фуқаро онгига етиб бориши учун – нақд пулсиз ҳисоб-китобларни рағбатлантирувчи механизмлардан фойдаланилиши, кўзланган мақсадга эришишда муҳим омиллардан бири бўлиши мумкин.

Россиялик иқтисодчи олимни қайд этишича: *“Мамлакатда нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимининг ривожланмаганлиги, нақд пулларни норасмий муомалада ҳисоб-китоблар учун энг “жозибали” воситага айлантиради... Нақд пулсиз маблағлар муомаласини ташкил этиш, норасмий ҳисоб-китоблар билан боғлиқ бўлган ягона масала эмас. Шунингдек, солиққа тортиш тизимини ва давлат томонидан бозор муносабатларини тартибга солишнинг бошқа усулларини мукамал эмаслиги каби масалалар ҳам мавжуд”* (Боровик, 1998).

Демак, нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг улушини ошириш, унинг устуворлигини таъминлашга эришиш учун давлатнинг солиқ сиёсатини адолатли эканлигига, давлат томонидан иқтисодий муносабатларни тартибга солишда бозор тамойилларига қай даражада риоя этилаётганлигига ҳам алоҳида эътибор қаратишимиз лозим экан.

“Банк иши” номли китобда ёзилишича: *“Ҳисоб-китоб жараёнларида пуллар турли томонларга ҳаракатланиб, иқтисодий организмнинг барча буғинларида айланади. Шу билан бирга, бозор иқтисодиётининг энг муҳим омили бўлган товарларни пулга айирбошлаш жараёнлари амалга оширилади. Пул айланмасининг асосий қисми (80-90%) нақд пулсиз ҳисоб-китоблар таъминотида...”* (Лаврушин, 1992).

Нақд пулсиз ҳисоб-китобларни амалга ошириш зарурий инфратузилмаларни яратилиши, фойдаланувчиларга қулай бўлган ҳисоб-китоб усуллари тақдим этилиши ва энг муҳими давлат томонидан юритилаётган сиёсатни, иқтисодий муносабатларни тартибга солиш механизмларини мукамаллиги таъминланган ҳолдагина, “Банк иши” китобида қайд этилган кўрсаткичга эришиш мумкин бўлади.

Тадқиқот методологияси.

Ушбу илмий изланишларимиз дастлабки босқичида нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг жорий ҳолатига доир электрон файл кўринишидаги ахборотларни қайта ишлашда таҳлил ва синтез ҳамда гуруҳлаш усулларидан фойдаланилган.

Иккинчи босқичда статистик маълумотлар асосида Ўзбекистон ва ривожланган мамлакатлар кўрсаткичлари таққослаш, индукция ва дедукция, эксперт баҳолаш усуллари ёрдамида қиёсий таҳлил қилинди. Шунингдек, Жаҳон банки, Европа Иттифоқи ва интернет тармоғидаги тегишли маълумотларидан кенг фойдаланилди. Тадқиқотда солиштирама ва тизимли таҳлил усуллари, шунингдек, график ва жадвал шаклидаги визуал кўрсаткичлардан кенг фойдаланилди. Натижада, нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг афзалликлари ва мазкур ҳисоб-китобларнинг жорий ҳолатини таҳлил қилишни мезонлари ва уларни Ўзбекистон шароитида амалиётга татбиқ этишнинг имкониятлари илмий асослаб берилди.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Жамиятда иқтисодий муносабатларни шаклланиши ва ривожланиши тарихига назар соладиган бўлсак, товарларни бартер қилиш асосида ўзаро айирбошлаш, жамият аъзолари учун бир қатор қийинчиликларни юзага келтирган. Бу ўз навбатида, ўзаро ҳисоб-китобларда пулдан фойдаланишга эҳтиёжни юзага келтирган. Пул яратилганидан кейин дастлаб, нақд пуллар ёрдамида ҳисоб-китоблар амалга оширилган.

Банкларни пайдо бўлиши эса, банкларнинг қарз мажбуриятлари қайд этилган чекларидан фойдаланган ҳолда нақд пулсиз ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун имконият яратган. Бу нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг дастлабки кўриниши бўлган.

Вақт ўтиши билан бошқа соҳа ва йўналишлар сингари **техника, ахборотлаштириш** ва **молия** соҳалари ҳам босқичма-босқич тараққий эта бошлаган. Мазкур соҳаларни ривожланиши ва ўзаро уйғунлашуви ҳозирги нақд пулсиз ҳисоб-китоб тизимларини яратилишига ва уларни такомиллашувига замин яратган.

Бу хусусида, Индонезиялик тадқиқотчи қуйидагиларни қайд этган: *“Ҳозирги вақтда технологик тараққиёт жадал ривожланмоқда ва молиявий технологиялар ҳам бундан мустасно эмас. Молиявий технологияларнинг ривожланиши тўлов тизимларининг ўзгаришига, бу ўз навбатида, нақд пулдаги ҳисоб-китоблардан нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимига ўтилишига олиб келди”* (Ајіја, 2023).

Бугунги кунда нақд пулсиз ҳисоб-китоб тизимларини ҳар томонлама, янада такомиллашиб бораётганлиги, замонавий ва қулай бўлган нақд пулсиз ҳисоб-китоблардан фойдаланиш учун кенг имкониятлар яратиб бермоқда.

Бу ерда шуни алоҳида қайд этиш лозимки, нақд пулсиз ҳисоб-китобларни таҳлил қилиш, бу фақат банкдаги бир ҳисобварақдан иккинчи бир ҳисобвараққа пул маблағлари кўчириб бериш жараёнини ёки ҳисоб-китоб қандай шакл, усул ёрдамида амалга оширилганлигини ўрганиб чиқиш билан чекланмайди. Чунки, амалга оширилган нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг жорий ҳолатини:

- нақд пулсиз ҳисоб-китобларни унда бевосита иштирок этган хўжалик субъектлари бўйича;

- хўжалик субъектлари ўртасидаги нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг занжирсимон (бир неча босқичдаги) кетма-кетлиги бўйича;

- нақд пулсиз ҳисоб-китобларни амалга оширишга асосга бўлган тўлов ҳужжатларида қайд этилган мақсадлари бўйича;

- иқтисодиётнинг қайси тармоғида ёки мамлакатнинг қайси ҳудудида фаолият юритаётган хўжалик субъектлари ўртасида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар амалга оширилганлиги бўйича таҳлилий ишларни амалга оширишнинг имкониятлари ҳам мавжуд.

Ҳозирги кунда дунёдаги барча давлатларда нақд пуллик ва нақд пулсиз ҳисоб-китоб усуллари мавжуд ҳамда улар бир-бирини тўлдирган ҳолда, инсониятга хизмат қилиб келмоқда. Бироқ, нақд пулсиз ҳисоб-китобларни оммавийлашуви, давлат зиммасидаги вазифаларни бажаришда ҳам давлат органлари учун қулай муҳитни шакллантириб беради. Бу хусусида Россиялик иқтисодчи олим қуйидагиларни қайд этган: *“Нақд пулсиз ҳисоб-китобларни ташкил этилиши ва уларнинг ривожлантирилиши, умуман олганда, давлат учун аҳамиятли. Чунки, нақд пулсиз ҳисоб-китобларни ривожланиши муомала харажатларини сезиларли даражада камайтиради, шунингдек, макроиқтисодий жараёнларни ўрганиш ва бошқаришни осонлаштиради”* (Камаева, 1998).

Ҳақиқатан ҳам бугунги кунда нақд пулсиз ҳисоб-китоб тизимларини ҳар томонлама такомиллашиб бораётганлиги, замонавий ва қулай бўлган нақд пулсиз ҳисоб-китоб усулларида фойдаланиш учун кенг имкониятлар яратиб бермоқда. Бу ерда яна шуни эътироф этиш жоизки, инсоният ўзининг кўп йиллик тараққиёти давомида яратган ва синовдан ўтказган энг мақбул ҳисоб-китоб тури нақд пулсиз ҳисоб-китоблардир. Бу исбот талаб қилмайдиган ҳақиқатдир. Зеро, бугунги нақд пулсиз ҳисоб-китоблар жорий этилмаган бирор бир давлатни топиб бўлмайди ёки нақд пулсиз ҳисоб-китобларни иқтисодиётга, жамиятга салбий таъсири мавжудлигини асослаб берувчи назарий қарашлар мавжуд эмас.

Нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг мақбул томонлари бўйича кўплаб ижобий фикр ва мулоҳазаларни учратишимиз мумкин. Демак, нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг қулайлиги ва устуворлиги бугунги кунда ҳеч кимда шубҳа уйғотмайди.

Бироқ, маълумотлар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, Ўзбекистонда нақд пулсиз ҳисоб-китобларни салмоғини оширишга етарли даражада эътибор берлмаяпти. Интернет тармоғидаги “Ўзбекистонда нақд пулсиз ҳисоб-китоблардан кўпроқ фойдаланилмоқда” номли инфографика маълумотларида қайд этилишича, республикамызда нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг улуши 2022 йилда 34 фоизни ташкил этган бўлса, 2024 йилда ушбу кўрсаткич 40 фоизни ташкил этган. Ўзбекистонда нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг улуши динамикасини қуйидаги 1-жадвал маълумотларида кўришимиз мумкин.

Ушбу 1-жадвалдаги маълумотлар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, 2022-2024 йиллар мобайнида республикамызда амалга оширилган ҳисоб-китоблар умумий суммаси **318** трлн.сўмга (ёки **60,9%**га) ошиб, **840** трлн.сўмни ташкил этган бўлса, ушбу даврда нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг улуши **6%**га ошиб, **40** фоизни ташкил этган холос.

Бу ўз навбатида, республикамизда нақд пуллардан фойдаланган ҳолда ҳисоб-китобларни амалга ошириш қўлами юқори эканлигидан далолат бермоқда. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан муомалага чиқарилган нақд пулларнинг суммаси 2022 йил 1 январдан 2025 йил 1 ноябригача бўлган даврда 46,9 трлн.сўмга ёки 2,4 бараварга ошган.

1-жадвал

Ўзбекистонда нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг улуши

Йиллар	2022	2023	2024
Амалга оширилган ҳисоб-китоблар умумий суммаси (трлн. сўм)	522	669	840
Нақд пуллик ҳисоб-китоблар улуши (%)	66	62	60
Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар улуши (%)	34	38	40

Манба: муаллиф ишланмаси.

Амалга оширилган таҳлилий ишларимиз натижаси шу кўрсатдики, илмий изланишларда жорий ҳолатни акс эттирувчи кўрсаткичларга таяниш жуда муҳим экан. Ой, чорак ёки йил якунланганидан кейин маълум бир вақт мобайнида ҳисоблаб чиқиладиган якуний кўрсаткичларга таянган ҳолда қарорларни қабул қилиш кутилган самарани бермайди. Чунки, иқтисодий тизим ва унинг элементлари доимо ҳаракатда бўлганлиги учун ҳам иқтисодиётнинг ҳолати ўзгариб туради.

Шунинг учун ҳам биз, ўз илмий изланишларимизда амалга оширилган нақд пулсиз ҳисоб-китоблар жорий ҳолатига доир электрон файл кўринишидаги ахборотларнинг ягона базасини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратганмиз.

Энди, нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг афзалликларига батафсил тўхталадиган бўлсак, иқтисодиётда нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг улушини ошиб бориши:

- хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шаффофлигини оширади;
- солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан «бўйин товлаш» имкониятларини йўқотади;
- иқтисодиётда пул маблағлари айланишини тезлаштиради ва иқтисодий ўсиш учун замин яратади;
- банкнот ва танга кўринишидаги нақд пуллар ёрдамида ҳисоб-китобларни ташкил этиш билан боғлиқ бўлган харажатларни камайтиради;
- иқтисодиётнинг реал секторидаги соғлом рақобат муҳитига яширин иқтисодиётнинг салбий таъсирларини чеклайди.

Шу сабабли ҳам, дунёнинг барча давлатлари нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини самарали тарзда фаолият юритишини йўлга қўйишдан ва уни узлуксиз ривожлантиришдан манфаатдор.

Хулоса ва таклифлар

Ҳақиқатан ҳам нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг афзаллиги, устуворлиги ва қулайлиги ҳеч кимда шубҳа уйғотмайди. Бизни фикрмизча, бу ерда энг муҳими, нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг шаффофлигидир. Чунки, томонлар ўртасида амалга оширилган нақд пулсиз ҳисоб-китобларни ҳохлаган пайтда ўрганиш, таҳлил қилиш мумкин.

Бу ерда яна шундай муҳим хулосаларни чиқаришимиз мумкинки:

- иқтисодий муносабатлар бозор тамойиллари асосида тартибга солинаётган ҳар қандай давлатда, йиллар ўтиши билан нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг улуши ортиб боради;

- нақд пулсиз ҳисоб-китоблар улушини ортиб бориши эса яширин иқтисодиёт, коррупция ва бошқа ноқонуний фаолиятларни чеклаш ҳамда нақд пуллик ҳисоб-китобларни ташкил этиш (*нақд пулларни чоп этиш, сақлаш, саралаш, ўраб-боғлаш, ташиш*) билан боғлиқ бўлган харажатларни камайишига олиб келади.

Бундан ташқари, яна бир масалага эътибор қаратишимиз керакки, Ўзбекистон жисмоний шахслар ўртасида қиммат товарлар (ўй-жойлар, транспорт воситалари ва бошқалар) савдосининг аксарият қисми, норасмий тарзда, эркин айрибошланадиган нақд чет эл валютасида амалга ошириб келинмоқда.

Демак, республикада нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг ҳақиқий ҳолатига ҳолисона баҳо бериш учун норасмий тарзда, нақд чет эл валютасида амалга ошириб келинаётган савдолар суммаларини ҳам инобатга олишимиз керак.

Мамлакат ҳудудидаги ҳисоб-китобларда нақд чел эл валютасини фойдаланиш назарий жиҳатдан мутлақо нотўғри эканлигини Россиялик олим қуйидагича баён этган: *“Чет эл валютаси валюта бозорида сотиб олиш ва сотиш объекти бўлиб, халқаро ҳисоб-китобларда қўлланилади, банк ҳисобварақларида сақланади, аммо ушбу давлат ҳудудида қонуний тўлов воситаси ҳисобланмайди”* (Красавина, 1994).

Юқорида келтирилган рақамлар ва мулоҳазалар аввало, Ўзбекистонда **нақд пулсиз ҳисоб-китобларни ривожлантириш** талаб даражасида эмаслигидан ҳамда мамлакатда **яширин иқтисодиётнинг улуши юқори** эканлигидан далолат бермоқда.

Ҳақиқатан ҳам ҳар қандай давлат бугунги кунда нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини ривожлантиришга, бундай ҳисоб-китоблар усуллариини такомиллаштиришга ҳамда нақд пулсиз ҳисоб-китоблар улушини оширишга алоҳида эътибор қаратиши муҳим аҳамиятга эга. Буни содда қилиб қуйидагича тушунтириш мумкин:

а) нақд пулсиз пул маблағлари иқтисодиёт тизимида айланиб юради;

б) нақд пуллардан фойдаланилганда ҳисоб-китобларнинг “шаффофлиги” йўқолади, шунингдек, нақд пуллар яширин иқтисодиётга “хизмат қилиш” учун ўтиб кетиши мумкин;

с) нақд пулсиз маблағларни нақд пулларга айланиб, яширин иқтисодиётга ўтиб кетиши – иқтисодиётдаги пул маблағлари шунча суммага камайганлигидан далолат беради;

д) муомалада нақд пулларни кўпайиши коррупцияни авж олиши учун ҳам кенг имкониётлар яратиб бериши мумкин;

е) муомалада нақд пулларни кўпайиши носоғлом рақобат муҳитини шакллантириш ҳамда солиқ ва бошқа мажбурий тўловлардан “қочиш” учун зарурий шарт-шароитлар яратиб бериши мумкин.

ф) “қалбаки” нақд пулларни пайдо бўлиши, нақд пулларни ишлаб чиқариш, сақлаш, ташиш, қайта ишлаш ҳамда “эскирган” нақд пулларни йўқ қилиш билан боғлиқ бўлган харажатлар ва бошқалар.

Юқоридагилардан хулоса чиқарадиган бўлсак, бугунги кунда нақд пулсиз ҳисоб-китобларни ҳар томонлама устувор аҳамиятга эга эканлигини ишонч билан таъкидлашимиз мумкин.

Иқтисодиётда нақд пулсиз ҳисоб-китоблар орқали пул маблағларининг айланиш тизимини, инсон организмидаги қон айланиш тизимига қиёслаш мумкин. Инсон организмида қонни бир маромда ва узлуксиз айланиши одамнинг саломатлиги ва фаол турмуш тарзини таъминлаш учун қанчалик муҳим аҳамиятга эга бўлса, нақд пулсиз ҳисоб-китоблар орқали пул маблағларини иқтисодиёт тармоқлари ва мамлакат ҳудудлари бўйича ҳаракатланиши ҳам шунчалик муҳимдир.

Адабиётлар / Литература/References:

acquiring.su (n.d.) Процент безналичных платежей в странах мира. Доступно по ссылке: <https://acquiring.su/blog/procent-beznalichnyh-platezhei-v-stranah-mira>

Швандар, К. В. и Анисимова, А. А. (2020). Зарубежный опыт развития системы безналичных платежей: практика и результаты. Доступно по ссылке: <https://oaji.net/articles/2020/8467-1609082641.pdf>

Михайлушкина А. И. (1998) Актуальные проблемы финансов и банковского дела. Сборник научных трудов. Санкт-Петербургская государственная инженерно-экономическая академия; Санкт-Петербург, р. 162.

Лаврушин, О. И. (ред.) (1992). Банковское дело. Москва: Банковский и биржевой научно-консультационный центр. 432 с.

Ajija, S. R. (2023). The influence of non-cash payment transactions on economic growth in 5 ASEAN countries. JIET (Jurnal Ilmu Ekonomi Terapan), 8(2), pp. 276–286. Доступно по ссылке: <https://www.researchgate.net/publication/376317242>

Камаева, В. Д. (1998). Экономическая теория. Москва: Владос. 640 с.

uz.sputniknews.ru (2025) Узбекистанцы стали чаще пользоваться безналичным расчетом – инфографика. Sputnik Uzbekistan. Доступно по ссылке: <https://uz.sputniknews.ru/20250126/uzbekistantsy-stali-chasche-polzovatsya-beznalichnym-raschetom-47603785.html>

Красавина, Л. Н. (1994). Международные валютно-кредитные и финансовые отношения. Учебник. Москва: Финансы и статистика. 592 с.

Газета “Труд” (2017). Привычка к налу нам дана. №5–6 (27093), 27 января. Доступно по ссылке: http://pressa.ru/files/issue/private/trud/2017/05-06-2017/raw_issue/trud-2017-05-06-2017.pdf